

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТАДЖИНАЗАРОВ МУРОДБЕК БАХОДИРОВИЧ

**ТИЗЗА БЎҒИМИ ПАТОЛОГИК СИНОВИАЛ БУРМАЛАРИНИ
ТАШҲИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstracts of doctor of philosophy (PhD)

Таджиназаров Муродбек Баходирович

Тизза бўғими патологик синовиал бурмаларини ташҳислаш ва даволаш .. 3

Таджиназаров Муродбек Баходирович

Диагностика и лечение патологических синовиальных складок коленного сустава 21

Tadjinazarov Murodbek Bakhodirovich

Diagnostics and treatment of pathological synovial plicae of the knee 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТАДЖИНАЗАРОВ МУРОДБЕК БАХОДИРОВИЧ

**ТИЗЗА БЎҒИМИ ПАТОЛОГИК СИНОВИАЛ БУРМАЛАРИНИ
ТАШҲИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1263 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzniito.uz), «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) ва Миллий ахборот агентлиги порталида (www.uzainfo.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Ирисметов Муроджон Эргашевич тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Прохоренко Валерий Михайлович тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси) Каримов Муродулла Юлдашевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат тиббиёт институти


Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «14» май соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100147, Тошкент ш., Махтумқули кўчаси, 78. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.uz).


Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 34 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, г. Тошкент ш., Махтумқули кўчаси, 78. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «30» май кuni тарқатилди.
(2021 йил «30» май даги 34 рақамли реестр баённомаси).




А.М. Джураев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор


У.М. Рустамова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим


А.П. Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тизза патологик синовиал бурмаларининг мавжудлиги бўғим капсула-боғлам аппаратининг сурункали яллиғланиши ва дегенератив ўзгаришининг ривожланишига олиб келади, натижада ногиронлик ва ишга лаёқатсизликни оширади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...таянч-ҳаракат тизими шикастланишларининг 25% ва барча бўғимлар жароҳатларининг 50% тизза бўғимига тўғри келади...»¹. Тизза бўғими синовиал бурмаларидаги патологик ўзгаришларнинг ўрта ёш тоифасидаги одамларда тизза оғриғи сифатида кенг тарқалиши, остеоартрит, мениск ёки бойлам аппаратининг шикастланиши, яллиғланган артропатия, қайталаниш хавфининг юқорилиги каби ҳолатлар билан бирга кечиши беморларда ҳаёт сифатини кескин камайтиради. Врачларга бўлган мурожаатларнинг 18%-33% и патологик синовиал бурма синдроми билан боғлиқ. Консерватив давонинг анъанавий усуллари камдан-кам ҳолларда узоқ муддатли таъсирга эга, оғриқ синдромини тўлиқ бартараф этишга олиб келолмайди, натижада узоқ муддатли комплекс реабилитациядан ташқари жарроҳлик аралашувларини талаб этади, шу жиҳатдан тизза бўғими патологик синовиал бурмалари синдромини даволашни такомиллаштириш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда тизза бўғими синовиал бурмалари патологик ўзгаришларини ташхислаш ва даволашга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда, жумладан артроскопик текширувлар ёрдамида тизза бўғими патологик синовиал бурмаларини ташхислаш энг ишончли усуллардан эканлиги исботланмоқда, патологик бурмаларни олиб ташлаш усуллари, сон суяги дўнгликлари ва тизза қопқоғи хондромалацияси мавжуд ҳолларда субхондрал туннелизация ва артроскопик тизза бўғими дебридементи усуллари, стандарт артроскопик портларга кўшимча латерал портлар қўллаш муолажалари, лазер ёрдамида бажариладиган хирургик амалиёт усуллари ишлаб чиқилмоқда, артроскопиядан сўнг функционал терапия усуллари, плазмолифтинг абиляцияси жорий қилинмоқда, артроскопик резекция стандарт тусга айланган. Бугунги кунда сурункали синовит, деформацияловчи гонартроз, менисклар жароҳати ва менископатия ҳолатлари билан бирга кечувчи патологик синовиал бурмалар патологиясини даволашда гистологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда этиоморфопатологик ёндашув етарли эмас, даволашнинг консерватив ёки жарроҳлик усули афзаллиги тўғрисида яқдил фикр ҳам мавжуд эмас, тизза бўғими патологик синовиал бурмалари синдромида артроскопик жарроҳлик усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ривожлантириш ва жаҳон талабларига мослаштириш, тизза бўғими патологик синовиал бурмалари дегенератив ўзгаришлари ва уларнинг асоратларини камайтириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, уларга «...аҳолининг соғлом

¹ Lee PYF, Nixion A, Chandratreya A, Murray JM. Synovial Plica Syndrome of the Knee: A Commonly Overlooked Cause of Anterior Knee Pain. Surg J (N Y). 2017;3(1):9-16.

турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш...»² юзасидан муҳим вазифалар киритилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда тизза бўғими патологияларини замонавий технологияларни жорий қилган холда ташхислаш ва хирургик даволаш усулларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-4890-сон «Тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 30 майдаги ПҚ-4737-сон «Нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида», 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббий ва фарматцевтика таълими ва фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тизза бўғими синовиал бурмалари эмбрионал ривожланиш натижасида ҳосил бўлган синовиал мембрананинг қолдиқлари кўринишидаги нормал анатомик тузилмалар деб тан олинади. (M.Hufeland et al. 2019). Ўзининг тадқиқотларида (Vassiou et al., 2015) шакллари қандай бўлишидан қатъи назар, бурмалар одатда аломатсиз ўтса ҳам, улар турли хил жароҳатлар натижасида механик қўзғатиш билан боғлиқ бўлган тизза бўғимида патологик аломатларни келтириб чиқариш имкониятига эга деб ҳисобланади деб маълум қилади. Тадқиқотлар шуни исботладики, сурункали яллиғланиш, жароҳат ёки тизза бўғимининг бошқа патологик ҳолатлари мавжуд бўлганда, бурма ўзининг нормал эластиклигини йўқотади, фиброз равишда ўзгаради, бу эса бўғимнинг функционал бузилишларига – «патологик пателляр бурма синдроми»га олиб келади. Бугунги кунга келиб, артроскопик текширув тизза бўғими синовиал бурма синдромини аниқлашнинг энг ишончли усули эканлиги исботланган, бурма резекцияси эса механик ечимни таклиф қилади ва алоҳида мураккаб ва доимий ҳолатларда ҳам яхши клиник натижаларга эга (McCunniff P.T. et al., 2013). Тадқиқ этилган муаммода тизза бўғими синовиал бурмаларининг патологик табиатининг клиник ва нурли усуллар орқали эрта ташхисни аниқлаш масалалари пайдо бўлади, бу эса далилли тиббиёт тамойилларига асосланган ва у ёки бу даволаш тактикасини асослайдиган инструментал диагностика мезонлари бўйича келишувнинг йўқлиги сабабидир (Flores D.V. et al., 2018). Аммо жарроҳлик даволашнинг қонунийлигини морфологик ва гистологик жиҳатдан асослаш масалалари очик қолмоқда. Шундай қилиб, Schindler O.S. et

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

al. (2014) хабар беришича, тизза бўғимининг патологик синовиал бурмасини даволаш жисмоний фаолликни камайтириш, ностероид яллиғланишга қарши препаратларни қўллаш, тизза бўғимини кучли ёзиш билан боғлиқ машқлардан ташқари даволаш жисмоний машқлари каби консерватив чоралар билан бошланиши керак. Prejbeanu R. et al. (2017) фикрича, консерватив даво фақат синовиал бурмалардаги патологик ўзгаришлар қайта тикланишидагина самарали бўлади, бу ҳолда маълум бўлган таснифларга қатъий риоя қилиш керак. Luo H.V. et al. (2016) таъкидлашича, анъанавий консерватив даво усуллари камдан-кам ҳолларда оғриқ синдромини узоқ муддатли таъсирга ва ишончли бартараф этишга олиб келади. Ҳатто аломатларнинг пасайиши билан ҳам анатомик ва морфологик ўзгаришлар кучайиб бориши давом этади. Kyle Casadei ва John Kiel (2020) ишида тизза бўғимининг синовиал бурма синдроми бўлган 58 нафар беморни даволаш натижаларининг таҳлили келтирилган, бу ерда муаллифлар консерватив ёндашув самарасиз бўлганда патологик бурманинг артроскопик резекцияси қулай даволаш усули ҳисобланади деган хулосага келганлар. Шу муносабат билан, тизза бўғимининг синовиал бурмаларидаги патологик ўзгаришларни аниқлашнинг барча ҳолатларида муаллифлар жарроҳлик даволашни тавсия этадилар.

Маҳаллий тадқиқотларга кўра, тизза бўғими эндоскопик диагностика усуллари такомиллаштирилган, ёзилувчи контрактурасида жарроҳлик даволаш ва операциядан кейинги реабилитациянинг янги ёндашувлари ва усуллари ишлаб чиқилди, ушбу усулларнинг афзалликлари асосланди (Ирисметов М.Э., 2016). Касалликнинг охириги босқичларида қўлланиладиган узоқ муддатли жарроҳлик даволаш реконструктив терапия сифатида талқин этилади (Каримов М.Ю., Хамраев Ш.Ш., 2009). Олд хочсимон бойлам шикастланишида икки боғли лавсанопластика усулининг афзалликлари, шунингдек, тизза бўғими асосий параметрлари ва ҳолатига дифференциал ёндашувнинг самарадорлиги исботланди (Усмонов Ф.М., 2020). Холмуродов У.Т. (2019) тизза бўғими остеоартритининг эрта ва ўткир босқичларини артроскопик даволашда касалликнинг ривожланиш тезлиги пасайиб кетишини исботлади. Шу билан бирга, тизза бўғими бурмалари патологиясида даволаш ва диагностик тактикалари етарлича кўриб чиқилмаган, тизза бўғими патологик синовиал бурмаларини даволашга тактик ва техник ёндашувлар асосланмаган.

Япония олимлари томонидан (Nakayama et al., 2011) олиб борилган тадқиқотлар шуни исботладикки, патологик синовиал бурмалар синдроми бошқа этиологияли оғриқ синдромлари билан ўхшашлиги сабабли етарлича ташхис қилинмайди. Адабиётлар маълумотлари тизза бўғими патологик синовиал бурмалари бўлган беморларни даволашда даволаш ва диагностика тактикасини такомиллаштириш масалалари замонавий травматология ва ортопедиянинг долзарб ва охиригача ҳал қилинмаган муаммоларидан бири эканлигидан далолат беради. Шу муносабат билан тизза бўғими синовиал бурмалардаги патологик ўзгаришларни жарроҳлик йўли билан тузатиш ва функционал ҳолатни тиклашга қаратилган янада ишончли мажмуавий даволаш тактикасини излаш, ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга жорий этиш учун мақсадли йўналтирилган тадқиқотлар ўтказиш зарур. Bellary et al. (2012)

тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, тизза бўғимининг синовиал бурмалари одамларнинг тахминан 50 фоизида мавжуд. Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, артроскопия натижалари билан аниқланган ТБ патологик синовиал бурмасининг тарқалиши клиник аломатларнинг намоён бўлиш частотаси билан ўзаро боғлиқ эмас. (Chevestick A., Huie G., Kissin Y.D., Kelly M.A., 2011) Тиззанинг олд қисмидаги оғриқ - бу ушбу касаллик билан оғриган деярли барча беморларда учрайдиган тизза бўғими патологик синовиал бурмасининг кардинал аломатидир. Аломатларнинг ёмонлашиши ушбу касалликнинг мажбурий клиник кечиши бўлмаса ҳам, аммо даволанмасдан аломатларнинг тобора кучайиб борадиган беморларни аниқлаш бўйича саволлар ҳали ҳам жавобсиз қолмоқда (Barton C.J., Lack S., Hemmings S., Tufail S., Morrissey D., 2015).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий текшириш ишлари режасига асосан ПЗ-20170928443-сон илмий лойиҳаси доирасида «Чанок-сон бўғими ва тизза бўғимлари патологияси бўлган беморларни жарроҳлик даволаш ва реабилитация қилишнинг минимал инвазив усуллари ишлаб чиқиш» мавзусида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади артроскопик хирургик коррекциянинг тактик ва техник жиҳатларини оптималлаштириш орқали тизза бўғими патологик синовиал бурмаларида даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

катта ёшдаги беморларда тизза бўғимининг синовиал бурмалари патологиясининг тузилишини аниқлаш;

тизза бўғимининг патологик синовиал бурмаларининг тактик ва техник жиҳатларини конкретлаштириш ва уларни артроскопик жарроҳлик даволаш техникасини ишлаб чиқиш;

катталарда тизза бўғимининг операцион материалидаги физиологик ва патологик синовиал бурмалар ҳолатининг морфологик хусусиятларини аниқлаш;

жарроҳлик ёндашувларини оптималлаштириш ва реабилитациянинг асосий клиник жиҳатларини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда тизза бўғимининг патологик синовиал бурмалари диагностикаси ва даволаш тактикасини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

тизза бўғимининг синовиал бурмалари патологиясида операциядан кейинги даврнинг турли муддатларида асоратларни ва қониқарсиз натижаларни ривожланиш хавф омилларини аниқлаш билан амалга оширилган даволаш тактикаси натижаларининг қиёсий таҳлилинини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014 йил январидан 2019 йил декабригача бўлган даврда Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида даволанган турли хил этиологиядаги тизза бўғимининг синовиал бурмалари патологиясига эга бўлган 425 нафар беморлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тизза бўғимининг синовиал бурмалари патологияси бўлган беморларда ўтказилган клиник, УТТ, МРТ, артроскопия текшируви натижалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун клиник, нур (ультратовуш, магнит-резонанс томографияси), артроскопия ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тизза бўғими патологик синовиал бурмалари ўзининг шакли, жароҳат даражаси, ривожланиш босқичига кўра полиморфологик тузилишга эга бўлиб, пролифератив ва яллиғланиш даражасининг ифодаланиши яққол намоён бўлган артропатия ҳолати эканлиги морфологик тадқиқотлар асосида исботланган;

тизза бўғими патологик синовиал бурмасини тўлиқ олиб ташлаш ва бўғим функциясини тиклаш имконини берувчи резекция, шейверлаш, коагуляциядан иборат бўлган ҳамда олд-медиял ва олд-латерал ёндашув орқали бажариладиган артроскопик жарроҳлик амалиёти технологияси ишлаб чиқилган;

тизза бўғими патологик синовиал бурмалари синдроми ривожланиши оқибатида сурункали синовитнинг шаклланиши, дегенератив-дистрофик жараёнларнинг ривожланиши ва хондромалациянинг шаклланиши исботланган;

жарроҳлик ёндашувларини оптималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда тизза бўғимининг патологик синовиал бурмалари синдроми учун диагностика ва даволаш тактикасини танлаш мезонлари аниқланган ва улар асосида эрта артроскопик жарроҳлик даволаш мақсадга мувофиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тизза бўғимининг патологик синовиал бурмаларининг артроскопик резекциясини қўллаш тавсияларини кенгайтиришга имкон берадиган клиник-диагностик мезонлар аниқланган;

жарроҳлик аралашув ҳажмини танлаш, специфик асоратларнинг шаклланиши ва реабилитация чораларини ҳисобга олган ҳолда тизза бўғими патологик синовиал бурмаларининг узоқ муддатли ва қайта такрорланувчанлигига олиб келадиган асосий тактик ва техник камчиликлар аниқланган;

дегенератив-дистрофик жараёнлар, фаол яллиғланиш ва фиброз жараёнлар шаклидаги ўзига хос омилларни текшириш орқали тизза бўғимининг синовиал бурмаси ҳолатидаги морфологик хусусиятлар аниқланган;

тизза бўғимининг синовиал бурмалари патологиясини артроскопик даволашда беморларда асоратларнинг табиати, частотаси ва ривожланишига таъсир қилувчи асосий омиллар аниқланган, уларнинг ҳисобга олиниши оптимал даволаш ва профилактика тактикасини танлаш учун оптималлиги исботланган;

патологик жиҳатдан ўзгартирилган тизза бўғимидаги синовиал бурмаларда эрта артроскопик аралашувларга кўрсатмаларнинг кенгайиши асосланган, бу эса узок муддатли консерватив давога бўлган эҳтиёжни сезиларли даражада камайтиришга қаратилган ёрдамнинг тузилишини ўзгартириши исботланган;

тизза бўғимининг патологик синовиал бурмалари бўлган беморларда диагностика алгоритми, оптимал даволаш тактикаси ва артроскопик жарроҳлик усулини қўллаш операциядан кейинги яқин ва узок муддатли даврда қониқарсиз натижаларни камайтириши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг илмий ишончлилиги беморлар аҳволини баҳолашнинг ишончли мезонлари, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, етарли клиник материал, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлиллар тўпламларини қўллаш орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тизза бўғимининг патологик синовиал бурмалари синдромини даволашда ушбу патологиянинг морфологик хусусиятларига бурма тури, зарарланиш даражаси ва ривожланиш босқичига кўра тавсиф бериш, турли хил тузилмавий ўзгаришларнинг ривожланиш эҳтимоли, пролифератив ва яллиғланиш реакцияларининг ифодаланганлигини текшириш, шунингдек, артроскопик жарроҳлик даволашнинг тавсия этилган усуллари бажаргандан кейин бўғимнинг функционал ҳолатини ўрганиш натижалари билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти жарроҳлик йўли билан даволаш учун кўрсатмаларни ўз вақтида ва ишончлилигини ҳисобга олган ҳолда диагностика қилиш, клиник ва инструментал мезонларнинг оптималлаштирилганлиги, бу эса асосий тактик камчиликларни аниқлашга имкон бериши, шунингдек, техник жиҳатларни соддалаштиришга, жароҳатланишни камайтиришга, айниқса касалликнинг оғир босқичи бўлган гуруҳда ушбу патологияни даволаш натижаларини яхшилашга имконият берувчи тизза бўғимининг патологик синовиал бурмаларини артроскопик жарроҳлик даволаш усули таклиф қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тизза бўғимининг патологик синовиал бурмаларини даволаш натижалари асосида:

патологик синовиал бурмаларни ташхислаш ва даволаш тадқиқотлари натижалари асосида ишлаб чиқилган «Тизза бўғимининг патологик синовиал бурмаларининг диагностикаси ва жарроҳлик даволаш усули» фойдали модели тасдиқланган (Интеллектуал мулк агентлиги FAP 01538-сон патенти, 29.09.2020 йил). Тизза бўғимининг патологик синовиал бурмаларини артроскопик диагностика ва даволаш бўйича тавсия этилган усул операция натижаларини яхшилаш, шифохонага етқизиш ва амалиётдан кейинги реабилитация даврларини қисқартириш имконини берган;

асосида ишлаб чиқилган «Тизза бўғимининг синовиал бурмалари патологиясининг диагностикаси» номли услубий тавсияномалар тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 10 декабрдаги 8н-з/186-сон

маълумотномаси). Олинган натижалар тизза бўғимининг синовиал бурмалари патологиясини ташҳислаш сифатини яхшилашга имкон берган;

патологик синовиал бурмаларини артроскопик даволаш натижалари асосида «Тизза бўғимининг синовиал бурмалари патологиясини артроскопик даволаш» услубий тавсияномалар тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 10 декабрдаги 8н-з/186-сон маълумотномаси). Олинган натижалар ТБнинг синовиал бурмалари патологиясини касалликнинг оғир босқичи бўлган гуруҳ беморларида даволаш натижаларини яхшилашга имкон берган;

ТБнинг патологик синовиал бурмаларини хирургик даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали ва Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолиятига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 10 декабрдаги 8н-з/186-сон маълумотномаси). ТБнинг патологик синовиал бурмалари бўлган беморларни даволашда таклиф этилган комплекс ёндашувни қўллаш ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам турини сезиларли даражада кенгайтириш, яхши натижалар фоизини 94,6% гача ошириш, касалликнинг мураккаб кечиш хавфини 18,1%дан 5,4% гача, касалхонага ётқизиш муддатларини 36%га камайтириш ва даволаш харажатларини 27,4%га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 7та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2та халқаро ва 5та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий журналларда 9та мақолалар, жумладан бтаси республика ва 3таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тизза бўғимининг патологик синовиал бурмалари муаммосининг замонавий жиҳатлари» деб номланган биринчи бобида ТБ патологик синовиал бурмалари диагностикаси ва даволаш тактикаси муаммоси бўйича илмий маълумотларни тўлиқ таҳлил, танқидий баҳолаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш амалга оширилди, кўшимча ечимларни талаб этадиган долзарб масалалар ўрганиб чиқилди. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ушбу муаммо бўйича ечилмаган вазифалар аниқланди.

Диссертациянинг «Тизза бўғими патологик синовиал бурмаларини даволаш материаллари клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ТБнинг патологик синовиал бурмаси синдроми бўлган 425 нафар беморни даволаш тажрибасида асосланганлиги кўрсатилган. Асосий гуруҳни эрта артроскопик жарроҳлик амалиёти ўтказилган 205 (48,2%) беморлар ташкил этди (2018-2019). Таққослаш гуруҳини даволашнинг биринчи босқичи сифатида консерватив терапия тайинланган 220 (51,8%) бемор ташкил этди, натижалар самарасиз бўлганида, артроскопик диагностика, сўнгра жарроҳлик коррекция бажарилган (2014-2017 йй.).

Диссертациянинг «Тизза бўғимининг патологик синовиал бурмаларида диагностика ва артроскопик жарроҳликнинг тактик ва техник жиҳатлари» деб номланган учинчи бобида улардан энг самарали ва хавфсизини танлаш учун даволаш ва диагностика алгоритмининг кейинчалик ишлаб чиқиш билан клиник ва инструментал диагностика хусусиятларининг, шунингдек ТБ синовиал бурмалари патологиясини даволашнинг консерватив ва жарроҳлик жиҳатларининг таҳлили ўтказилган. Бобда аломатларнинг кучайиши касалликнинг мажбурий клиник кечиши эмаслиги таъкидланган ва шу сабабли ТБ патологик синовиал бурмаси синдроми узоқ муддатли аломатсиз кечган беморларни аниқлаш муаммоси ҳали ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Пателлофеморал бўғимнинг олд бўғим юзаси бўйича пайдо бўладиган оғрик патологик синовиал катламанинг кардинал аломатидир ва ушбу патологияга эга деярли барча беморларда мавжуд.


Клиник текширувда тиззанинг юзаси юмшоқ, шишган ёки қаттиқ бўлиши мумкин. Аломатлар кўпинча бошқа ТБ ички патологияларидан, масалан, мениск ва бўғим тоғайи жароҳатларидан, клиник жиҳатдан фарқ қилмайди, бу эса ташҳис қўйишда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бинобарин, жисмоний усуллар етарли эмас. Ўз навбатида, клиник диагностика махсус функционал тестлар (Hughston и Statter) ва визуализациянинг инструментал усуллари билан таъминланади. Hughston ва Statter функционал провокацион тестларининг сезгирлиги ва ўзига хослиги иккаласи ижобий бўлган ҳолатларда юқори бўлади. ТБ бошқа суяк-жароҳатланиш патологиясини истисно қилиш учун тизза бўғимининг рентгенограммаси тавсия этилади.

Ультратовуш текшируви (УТТ) ва магнит-резонанс томография (МРТ) (1-расм) пателляр бурмасининг мавжудлигини аниқлаши мумкин, аммо улар патологик бурмани верификациясида ишончсиздир. МРТнинг ўртача


арифметик кўрсаткичлари қуйидагича: аниқлик - 86,8%, ижобий тестнинг прогноз қиймати - 78%, салбий тестнинг прогноз қиймати - 91,6%.

Артроскопик текшириш ТБ патологик синовиал бурмалари синдромини диагностика қилиш учун энг ишончли усулдир. Артроскопия усулининг пайдо бўлиши ва ривожланиши туфайли бўғим ичи патологиясини аниқроқ ташҳислаш, ТБ синовиал мембранасини батафсил ўрганиш имконияти бор.

Артроскопик текшириш ТБ патологик синовиал бурмалари синдромини диагностика қилиш учун энг ишончли усулдир (2-расм). Артроскопия усулининг пайдо бўлиши ва ривожланиши туфайли бўғим ичи патологиясини аниқроқ ташҳислаш, ТБ синовиал мембранасини батафсил ўрганиш имконияти бор.



1-расм. ТБ оғриқ синдроми ва ТБ супрапателляр бурмаси патологияси бўлган 45 ёшдаги бемор




2-расм. Патологик синовиал бурмаларда ТБ артроскопиясининг тўғри (А) ва ён (Б) проекцияларда схематик тасвири


Артроскопия ушбу патология учун жароҳатларни ва патологик бурмаларни 100% аниқлик билан текширишга, адекват жарроҳлик тадбирларини ўтказишга имкон берди. «Тизза бўғимининг патологик синовиал бурмаларини диагностика қилиш ва жарроҳлик даволаш усули» фойдали модель сифатида

таклиф қилинди ва клиник амалиётга жорий этилди. Услубиёт шундан иборатки, артроскоп ТБга порталлар орқали ўтказилади, патологик бурмалар резекция қилинади, бурмаларни олиб ташлаш жойи коагуляция қилинади, кейин - бурмаларни олиб ташлаш жойининг мажбурий коагуляцияси иккита пастки олд-медиал ва олд-латерал порталлар орқали амалга оширилади, бунда: мениск зарарланганида, бир вақтнинг ўзида менискоэктомиа, мениск қирраларини шейверлаш амалга оширилади, I-II даражадаги хондромалация ўчоғи аниқланганда, шейверлаш ва коагуляция амалга оширилади, III-IV даражадаги хондромалация ўчоғи аниқланганда эса диаметри 2 мм бўлган сим билан бурғулаш ёрдамида субхондрал туннелизация бажарилади.

ТБ патологик синовиал бурмаларини артроскопик резекция қилиш учун махсус операция хонаси ва асбоблар тўплам ускуналар ва ҳаражат материаллари қўлланилади. 3- ва 4-расмда тадқиқот материалларидан операция босқичлари кўрсатилган: патологик ўзгарган МПБ ва СПБни олиб ташлашда артроскопия; мениск қирраларини шейверлаш, гемартрозни олдини олишга имкон берадиган патологик бурма олинган жойининг мажбурий коагуляцияси, буларнинг борчаси беморнинг ТБ функцияларини тикланишини таминлайди.



3-расм. Тизза бўғимининг МПБ ва СПБ олиб ташланганидан олдинги ва кейинги артроскопик расми



4-расм. Артроскопик техника билан операция босқичлари (мениск қирраларини шейверлаш, бурма олиб ташланган жойни коагуляция қилиш)

Ўтказилган тадқиқотлар ва олинган натижалар асосида биз тизза бўғимининг синовиал бурмалари патологияси бўлган беморларни жарроҳлик даволашнинг диагностикаси ва тактикасини танлаш алгоритми яратилди (5-расм).




5-расм. ТБ синовиал бурмалари патологиясини артроскопик жарроҳлик даволаш диагностикаси ва тактикасини танлаш алгоритми


Эрта артроскопик жарроҳлик кўрсатмаларини белгилашда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинди: бурмалар ва бўғим ичи тузилмаларининг ҳолати; синовитнинг мавжудлиги ва намоёнлиги даражаси; менискнинг зарарланиши; тизза кўзи тоғай юзаси синовиал бурмасининг бузилиши; тизза кўзи тоғай юзаси хондромалаяцияси.

Диссертациянинг «Тизза бўғимининг патологик синовиал бурмаларининг морфологик асослари» деб номланган тўртинчи бобида ТБ синовиал бурмаларининг морфологик асосларини ўрганиш бўйича ўз натижаларини тақдим этилган. Патологик бурмаларнинг биоптатларининг гистологик текширувида пролифератив (туқлар гиперплазияси, грануляцион тўқима, фибробластик реакция, томирларнинг кенгайиши) ва яллиғланиш аломатлари баҳоланди. Ушбу тадқиқот натижалари танланган даволаш тактикаси – ТБ патологик синовиал бурмалар мавжудлигида артроскопик жарроҳлик аралашувнинг тўғрилигини асослашга имкон берди.

Биопсия материални гистологик текшириш натижасида нормал анатомик тузилмаларни билан ифодаланган ТБ синовиал бурмалари (ба-расм) юпқа қатламли пардага, фибробластлар ҳисобидан эластикликка ва ёшга боғлиқ гистологик ўзгаришларга эга эканлиги аниқланди.



а



б

ба-расм. МПБ нинг нозик толали бирлаштирувчи тўқимаси. Турли калибрдаги шуълали қон томирлари, ёғли хужайраларнинг тўдаси


бб-расм. Патологик МПБ. Кучсиз ифодаланган таркибий ўзгаришлар. Ўртача яллиғланишли периваскуляр инфилтрация

Патологияда (бб-расм) аксарият ҳолларда синовиал мембраналарнинг кучсиз ва ўртача намоён бўлган тузилишли бузилишлар кузатилади, туқлар гиперплазияси пайдо бўлади, синовиоцитлар десквамацияси камдан-кам ҳолларда қайд этилган, баъзи беморларда палисадга ўхшаган ва маҳаллий характерга эга бўлган синовиоцитлар жойлашуви кузатилади.

Касалликнинг узоқ давом этиши билан пролифератив инфилтрация, айниқса периваскуляр зоналарнинг кўчайиши аниқланади, толалараро шиш пайдо бўлган жойлар, жуда кўп миқдордаги қалин деворли микротомирлар қайд этилади, буларнинг барчаси томирларда пролиферация жараёнлари ҳақида далолат беради. Яққол намоён бўлган сурункали синовитнинг шаклланиши билан грануляцион тўқималарининг элементларини аниқлаш мумкин.

Травматик ва яллиғланиш табиатли шикастланишнинг комбинациясида (7-расм), мезотелиоцитлар хужайраларининг моноқатламининг фиброзли сирт устида чиқиб туриши кузатилади, патологик жараённинг босқичма-босқич

ривожланиши яллиғланиш жараёнларининг кучайишига ва яққол намоён бўлган синовитга олиб келади, дегенератив-дистрофик жараёнлар ва хондромалация ривожланиш хавфини кўпайтиради.



7-расм. Патологик СПБ. Яққол намоён бўлган кўпол толали бирлаштирувчи тўқимаси синовиоцитларнинг пролиферацияси билан. Турли калибрдаги томирлар, тўқималар орасида ёриқлар


Диссертациянинг «Тизза бўғимининг патологик синовиал бурмаларини даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили» деб номланган бешинчи бобида ТБ патологик синовиал бурмаларни артроскопик жарроҳлик даволаш натижалари таҳлили келтирилган.

Кўпчилик ҳолларда ТБ патологик синовиал бурмасининг изоляцияланган артроскопик резекцияси - беморларнинг таққослаш гуруҳида 41,8% (220 дан 92) ва асосий гуруҳида 42,0% (205 дан 86) амалга оширилди. У ёки бу ҳамроҳ ёки рақобатдош бўғим ичи патологиянинг мавжудлигига қараб, қуйидаги кўшимча аралашувлар амалга оширилди: синовэктомия, қисман/тўлиқ менискэктомия, Гофф танасини олиб ташлаш, хондром таначаларни олиб ташлаш, Ямамото усули бўйича тизза косаси юмшоқ тўқималарининг пластик жарроҳлик ва бошқалар.


Таққослаш гуруҳи учун Lysholm score шкаласи бўйича бошланғич кўрсаткичларнинг медианаси Me=55,0 балл, асосий гуруҳ учун Me=56,0 баллни ташки этганлиги кўрсатилган. Тадқиқот гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқлар топилмади. Бошланғич маълумотлардан фарқли ўлароқ, операциялардан кейинги натижалар (1 ва 3 ойдан сўнг) гуруҳлар ўртасида Lysholm score шкаласи бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли эди ($P=0.001$).

8-расмда барча артроскопик операциялардан сўнг узок муддатли йиғма хулосалар келтирилган. Шундай қилиб, беморларнинг асосий гуруҳи сезиларли даражада яхшироқ натижалар билан ажралиб туришини кўриш мумкин, бу ерда 60.0% (123 дан 205) ҳолатларда аъло, 32.7% (67 дан 205) – яхши натижалар олинган, таққослаш гуруҳида эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 43,6% (220 дан 96) ва 36,8% (220 касалдан 81 та) ни ташкил этди.

Қониқарли натижаларнинг улуши таққослаш гуруҳида 9,8% ва асосий гуруҳда 4,4% (205 дан 9та) ни ташкил этди.



8-расм. Тадқиқот гуруҳларида тизза бўғимининг патологик синовиал бурмаларининг артроскопик операциясидан кейинги узок муддатли йиғма натижалар



9-расм. Тизза бўғимининг патологик синовиал бурмаларининг артроскопик жарроҳлигидан кейинги яқин ва узок муддатли асоратларнинг йиғма частотаси

ТБ патологик синовиал бурмаларининг артроскопик операциясидан кейинги яқин ва узок муддатларда кузатилган асоратларнинг жамланган частотаси 9-расмда келтирилган. Шундай қилиб, асосий гуруҳда яқин муддат 26,4% ҳолларда, таққослаш гуруҳида 46,4% ҳолларда мураккаблашди. Беморларнинг асосий гуруҳида узок муддатли даврида 5,4% ҳолларда, таққослаш гуруҳида 17,3% ҳолларда асоратлар кузатилди.

Шундай қилиб, олинган натижаларга мувофиқ, ТБ патологик синовиал бурмалари муносабати билан артроскопик жарроҳлик аралашувдан кейинги узок муддат давомида Lysholm баҳолаш шкаласи интеграл мезони ва IKDC-2000 субъектив сўровномаси кўрсаткичларининг қийматлари ҳар иккала гуруҳ учун ҳам дастлабки ва яқин даврлардаги қийматларга нисбатан анча яхшиланди ва деярли соғлом одамларнинг фаоллиги даражасига қайганлиги аниқланди; аъло ва яхши натижалар даражаси 80,4% дан 92,7% гача ўсди ва асоратлар даражаси 5,4% гача камайди.

ХУЛОСА

1. ТБ патологик синовиал бурмаларининг демографик хусусиятларини ўрганаётганда касалланиш тузилмасида эркакларнинг устунлиги (68,9%), спорт билан шуғулланадиган одамларда 20-44 ёшдагилар орасида юқори касалланиш даражаси (72,7%), мурожаатларнинг кечиктирилган муддатлари (мурожаат этганларнинг 78% муддатда > 3 ой) қайд этилди, бунда ҳолларнинг аксарияти (60,5%) МПБ патологияси билан боғлиқ эди. Ўз навбатида, умумий тузилишда патологик СПБ улуши 26,6% ни, ИПБ улуши– 12,5% ни ва ЛПБ улуши – 0,5% ни ташкил этди.

2. Резекция, кейинчалик бурма олиб ташланган жойини коагуляцияси билан шейверлашни ўз ичига олган артроскопик жарроҳликнинг ишлаб чиқилган технологияси патологик бурмаларни тўлиқ олиб ташлашга, бўғим гемартрознинг профилактикасига ёрдам беради, беморнинг бўғим функцияларини тиклашни таъминлайди, оғриқ синдромини, ҳаракатдаги ноқулайликни пасайтиради, даволаш самарадорлигини оширади, беморнинг эрта фаоллашуви ва реабилитациясини яқинлаштиради.

3. Гистоморфологик тадқиқотлар натижалари яллиғланиш жараёнларининг кучайиши, ифодаланган сурункали синовитнинг шакилланиши ва дегенератив-дистрофик жараёнлар ҳамда хондромалациянинг ривожланиши патологик синовиал бурмаларнинг узок муддат мавжудлиги билан боғлиқлигини аниқлашга ва патологик жараённинг босқичини белгилашга, операциядан кейинги реабилитация ва дори терапияси дастурини тузишга имкон берди. Олинган маълумотлар хавф омиллари кўшилишидан олдин касалликнинг дастлабки босқичларида артроскопик жарроҳликни қўллаш учун далил бўлиб хизмат қилади.

4. Халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва клиник амалиётга татбиқ этилган диагностика алгоритми, жарроҳлик коррекциясининг тактикасини ва ҳажмини танлаш, артроскопик жарроҳлик даволаш имкониятлари ва самарадорлигини оширишга, яқин ва узок муддатда қониқарсиз натижалар частотасини камайтиришга имкон берган.

5. Қиёсий жиҳатда ТБ патологик ўзгарган синовиал бурмаларини артроскопик даволашни қўлланиши жуда яхши ва узок муддатли натижаларнинг улушини 80,4% дан 94,6% гача ошириши мумкин ($p < 0,001$), ўзига хос асоратлар частотасини 19,6% дан 5,4% гача камайтириш ($p < 0,001$), даволаш жараёнида Lysholm шкаласи ва IKDC-2000 сўровномаси балларининг

ижобий динамикаси билан кечади ва бўғим ичи патологик жараённинг регресс эҳтимоли билан тавсифланади.

6. Операциядан кейинги даврда асоратларнинг табиати, частотаси ва ривожланишига таъсир кўрсатадиган энг муҳим омиллар: беморнинг ёши 50 ёшдан ошган, дастлабки қўшимча бўғим ичи патологиялар, ва тавсиялар ва реабилитация жадвалига риоя қилмаслик. 6 ойдан кўпроқ вақт давомида узок муддатли реабилитация такрорланган синовитда (11дан 7та ҳолат; 63,6%), оғриқларнинг хронизацияси (11дан 2 ҳолат; 18,2%) ва ТБ да ҳаракатларнинг чекланишида (11дан 2 ҳолат; 18,2%) керак бўлди.

**НАУЧЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ТРАВМАТОЛОГИИ И
ОРТОПЕДИИ**

ТАДЖИНАЗАРОВ МУРОДБЕК БАХОДИРОВИЧ

**ДИАГНОСТИКА И ЛЕЧЕНИЕ ПАТОЛОГИЧЕСКИХ
СИНОВИАЛЬНЫХ СКЛАДОК КОЛЕННОГО СУСТАВА**

14.00.22 – Травматология и ортопедия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Tib1263.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-страницах Научного совета (www.uzniito.uz), Информационно-образовательного портала «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) и Национального агентства Узбекистана (www.uza.uz).

Научный руководитель: Ирисметов Муроджон Эргашевич
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: Прохоренко Валерий Михайлович
доктор медицинских наук, профессор
(Российская Федерация)

Каримов Муродулла Юлдашевич
доктор медицинских наук


Ведущая организация: Бухарский государственный медицинский институт


Защита диссертации состоится «14» июня 2021 г. в 14.00 часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2010.Tib.62.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии (Адрес: 100147, г. Ташкент, Яшнабадский р-н, ул. Махтумкули, 78. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрирована за № 34). Адрес: 100147, г. Ташкент, Яшнабадский р-н, ул. Махтумкули, 78. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.uz

Автореферат диссертации разослан «30» июня 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 34 от «30» июня 2021 года).




А.М. Джураев
Заместитель председателя научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор


У.М. Рустамова
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук,
старший научный сотрудник


А.П. Алимов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Наличие патологической синовиальной складки колена является причиной развития хронического воспаления и дегенеративных изменений суставно-связочного аппарата, что в итоге приводит к увеличению инвалидности и нетрудоспособности. По данным Всемирной организации здравоохранения, «... 25% травм опорно-двигательного аппарата и 50% всех травм суставов приходится на коленный сустав...»¹. Широкая распространенность патологических изменений синовиальных складок коленного сустава у людей среднего возраста в виде болей в коленях, такие состояния как остеоартрит, повреждения мениска или связочного аппарата, воспалительная артропатия, высокий риск рецидива резко снижают качество жизни пациентов. 18–33% обращений к врачам связаны с синдромом патологической синовиальной складки. Традиционные методы консервативного лечения редко имеют отдаленный эффект и не приводят к полному устранению болевого синдрома, что в результате в добавок к длительной комплексной реабилитации требует операционного вмешательства, в связи с чем проблема усовершенствования лечения синдрома патологической синовиальной складки коленного сустава остается актуальной.

В мире уделяется особое внимание научным исследованиям, направленным на диагностику и лечение патологических изменений синовиальной складки коленного сустава, в том числе артроскопическое исследование оказалось одним из самых надежных методов диагностики патологических синовиальных складок коленного сустава, методы удаления патологических складок, разрабатываются методы субхондральной туннелизации и артроскопического дебридмента коленного сустава при наличии хондромалиции мыщелков тазобедренной кости и коленной чашечки, процедуры наложения дополнительных латеральных портов к стандартным артроскопическим портам, методы лазерной хирургии, после артроскопии внедряются методы функциональной терапии, плазмолифтинг-абляция, артроскопическая резекция стала стандартом. На сегодняшний день при лечении патологии патологических синовиальных складок, сопровождающейся случаями хронического синовита, деформирующего гонартроза, повреждения мениска и менископатии, учитывая гистологические изменения, этиоморфопатологический подход является недостаточным, также нет единого мнения о преимуществе консервативного или хирургического метода лечения, таким образом усовершенствование артроскопических хирургических методов при синдроме патологической синовиальной складки коленного сустава приобретает важное значение.

В нашей стране принимаются масштабные меры по улучшению качества медицинской помощи, в том числе и высокотехнологичной медицинской помощи. К ним относятся такие важные поставленные задачи, как

¹ Lee PYF, Nixion A, Chandratreya A, Murray JM. Synovial Plica Syndrome of the Knee: A Commonly Overlooked Cause of Anterior Knee Pain. Surg J (N Y). 2017;3(1):9-16.

«...формирование здорового образа жизни и повышение уровня физической активности населения...»². При выполнении этих задач целесообразно совершенствовать методы диагностики и хирургического лечения патологий КС с внедрением современных технологий.

Указ Президента Республики Узбекистан от 12 ноября 2020 г. № ПФ-4890 «О дополнительных мерах по обеспечению здоровья населения путем дальнейшего повышения эффективности медицинской профилактики», 30 мая 2020г. № ПП-4737 «О неотложной медицинской помощи негосударственными медицинскими организациями. Диссертация направлена на реализацию задач, поставленных Постановлением Правительства Республики Узбекистан от 6 мая 2019 года № ПП-4310 «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VI. «Медицина и фармакология».

